

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУДАЙНАЗАРОВА САЛОМАТ РЎЗИБАЕВНА

**ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИДА ЯШОВЧИ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ
БОЛАЛАРНИ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Худайназарова Саломат Рўзибаевна

Оролбўйи худудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни
саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари..... 5

Худайназарова Саломат Рузибаевна

Особенности развития и состояния здоровья детей младшего
школьного возраста в регионе Приаралья..... 21

Khudaynazarova Salomat Ruzibaevna

Features of development and condition
health of primary school children
age in the Aral Sea region 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУДАЙНАЗАРОВА САЛОМАТ РЎЗИБАЕВНА

**ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИДА ЯШОВЧИ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ
БОЛАЛАРНИ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib1904 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tashpmi.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиева Нигора Рустамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Агзамова Шоира Абдусаломовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фурқат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871)262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда ноқулай экологик факторлар таъсирида аҳоли ўртасида, шу жумладан болалар орасида касалликларни кўпайиши долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Ноқулай экологик омилларнинг болалар ва катталар саломатлигига таъсири ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасининг ўсиши ва ривожланиши учун алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...болалар кимёвий моддалар таъсирига кўпроқ мойил бўлиб, хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайди, атроф муҳит омиллари таъсирига боғлиқ бўлган глобал касаллик юкининг (DALY бирликларида) 54 фоизи 15 ёшгача бўлган болалар томонидан кўтарилади...»¹. Касалликларнинг популяцияда учраш даражаси ортиб бораётганлиги, патогенетик ва диагностик механизмлари, прогностик хавф омиллари етарлича ўрганилмаганлиги сабабли ҳам бу борада илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда, айниқса экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда яшовчи болаларда касалликни ва касаллик олди ҳолатларини ташхисоти ва даволашни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг функционал ҳолати организмнинг ташқи муҳитга мослашувчан имкониятларини акс эттиради ва бу соғлом ҳолатдан касалликка ўтиш даврида аста-секин камаяди. Бола организмнинг ташқи таъсирларга сезгир бўлган ривожланишнинг критик даврлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда физиологик, психологик ва ижтимоий стресс ҳолати, тартибга солиш механизмларининг кучланишининг кучайиши ва мослашиш қобилятининг пасайиши билан тавсифланади. Болаларнинг саломатлик ва жисмоний ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ўз вақтида ўрганиш, мослашиш жараёнларининг ва стресс даражасини баҳолаш ва соғлиғини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, касалликни эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар орасида юзага келадиган турли соматик касалликларни олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда «...бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш ...»²

¹ WHO/EURO:2018-3004-42762-59658

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 май 2021 йилдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар Оролбўйи худудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини баҳолашда, касалликлар асоратини, ногиронлик ва юқори ўлим сабабларини камайтиришда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, атроф-муҳит омилларининг (табiiй, антропоген, ижтимоий-иқтисодий, маиший) бутун аҳолига таъсир қилиши, экологик жиҳатдан боғлиқ бўлган касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади (Morita T. Et al, 2017; Palekeeva G.P., Bekееv J.K., 2017). Инсоният саломатлиги кўп жиҳатдан атроф муҳитга боғлиқдир. Организмнинг ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилияти, бу атроф-муҳит ва гомеостазнинг оптимал ҳолатини сақловчи энг муҳим саломатлик кўрсаткичларидан бири хисобланади. Ҳаётiiй фаолият жараёнида турли ташқи муҳит омиллари инсон танасига таъсир қилади, юқумли ва бошқа касалликлар ривожланишининг олдини олишга ёрдам берадиган ўзига хос реактивликнинг шаклланишига олиб келади (Таджибаева М.К., 2019). Ноқулай атроф-муҳитнинг умумий таъсири болалар саломатлик ҳолатида жиддий асоратлар келтириб чиқаради. Айниқса, юқори ишқорли ичимлик сувининг узоқ вақт давомида ишлатиш болалар ва катталар организмида қайтарилмас патологик жараёнларга олиб келади, организмнинг сув-минерал мувозанатини бузади, бу эса болаларда соматик касалликлар ривожланишига сабаб бўлади. Ташқи муҳит омиллари таъсири натижасида болалар саломатлиги ёмонлашиши, юрак-қон томир, нерв, эндокрин, иммун ва бошқа системалар мослашув салоҳиятининг ўзгаришига, шунингдек, касалликларнинг сурункали ўтишига олиб келадиган функционал бузилишлар

шаклланишига ёрдам беради(Лизунова Е.А., 2016; Мамбеткаримов Г.А., 2018; Ахмедова Д.И. и соавт., 2020; Wang J, Li L, Lu Y, 2014). Болалар мослашиш механизмлари ва ёшга боғлиқ анатомик ва физиологик хусусиятларининг номукамаллиги туфайли улар атроф-муҳит омилларининг салбий таъсирига сезгир. Бундай шароитда бола организмнинг компенсатор-мослашув механизмлари зўриқади ва касаллик олди ҳолати ривожланишига, кейинчалик эса касалликни ривожланишига сабаб бўлади (Кучма В.Р., 2018). Бугунги глобаллашув даврида болалар ҳаётида уларнинг турмуш тарзи, жисмоний ривожланиши, саломатлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган жуда кўп коммуникация технологиялари мавжуд(Криволапчук И.А., 2018; Новикова И.И. и соавт., 2020; 2020). Болаларнинг ҳаддан ташқари гиподинамик турмуш тарзи ва ташқи дунёга қизиқишнинг йўқлиги, уларнинг орган ва тизимларининг фаолиятига салбий таъсир қилади(Loretta DiPietro L., et al, 2019).

Ўзбекистонда касалликларни олдини олиш борасида болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолати, ўсиш ва ривожланиши бўйича қатор илмий ишлар қилинган (Ахмедова Д.И., 2017; Ахмедова Н.Р. и соавт., 2020; Зуфаров А.А. и соавт., 2020; Камилова Р.Т., 2021). Таъкидлаш жоизки, болалар саломатлигини баҳолашда энг муҳим омил уларнинг жисмоний ривожланиши ҳисобланади (Ахмедова Д.И., 2013; Салдан И.П. и соавт., 2019). Жисмоний ривожланишнинг морфологик ва функционал кўрсаткичларининг шаклланиши асосий омилларга боғлиқ: булар ирсий мойиллик, экологик вазият, иқлим-географик шароитлар ва жисмоний фаоллик. Ҳозирги вақтда болаларда кузатилаётган гиподинамик ҳаёти улар организмга салбий таъсир кўрсатади ва бу кичик мактаб ёшидаги болаларда жисмоний ривожланиши билан бирга, касаллик олди ҳолати ҳисобланган функционал бузилишларни ҳам чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Юқорида айтилганларнинг барчаси Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишини, организмдаги микроэлементлар таркибини ҳамда мослашув қобилятини ўрганиш орқали саломатлик, ривожланиш хусусиятларини ва уларга хавф солувчи муаммоларни ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болаларда туғма ва ортирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» илмий мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолатини баҳолаш;

болаларни юрак ритми ўзгарувчанлиги(вариабельность) ва мослашув салоҳияти ҳолатини баҳолаш;

кичик мактаб ёшидаги болаларда соч микроэлементлар таркибини аниқлаш ва баҳолаш;

кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний ривожланишини ва мосланувчанлик салоҳиятини баҳолаш бўйича компьютер дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилоятининг турли туманларидан 240 нафар 7-10 ёшгача ва назорат гуруҳи учун Тошкент шаҳридан шу ёшдаги 60 нафар амалий соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болаларнинг соч биоматериали намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда антропометрик, аналитик, функционал, инструментал(кардиоинтервалография) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Оролбўйи ҳудудидаги кичик мактаб ёшидаги болаларнинг соч таркибидаги микроэлементлар: Na(1000 ± 530 мкг/г, $p=0,014$), Cl (5000 ± 2500 мкг/г, $p=0,001$) ошиши ва Cr($0,12 \pm 0,012$ мкг/г, $p=0,014$), Co($0,025 \pm 0,0028$ мкг/г, $p=0,014$), Si($6,8 \pm 1,1$ мкг/г), Ca(910 ± 250 мкг/г, $p=0,014$), Zn(130 ± 26 мкг/г, $p=0,014$) камайиши билан болаларда микроэлементозлар учраши исботланган;

Оролбўйи ҳудудидаги кичик мактаб ёшидаги болаларнинг сочи таркибидаги микроэлементларнинг жисмоний ривожланиш билан: Zn бўй узунлиги($r=0,63$), тана вазни($r=0,60$), кўкрак айланаси($r=0,58$) ва Cr бўй узунлиги($r=0,53$) ва патологиялар ўртасида-сурункали тонзиллит билан Хром($r=0,53$), сурункали энтероколит билан Si($r=0,95$) ўзаро боғлиқлиги исботланган;

Хоразм вилоятида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болалар организмнинг мослашув жараёнини ўзгариши уларнинг дастлабки вегетатив бошқарув характерида аниқ белгиланган муносабатлар орқали содир бўлиши аниқланиб, симпатик тизимнинг парасимпатикдан устун келиши бу ноқулай экологик шароитда яшаш учун энг қулай мослашиш жараёни эканлиги исботланган;

болаларнинг жисмоний ривожланганлиги, тана мустаҳкамлиги, ишчанлик ва мослашувчанлик салоҳияти симпатик тизим фаоллиги ва вегетатив тизимнинг бошқарилиш даражасида гуморал каналнинг ўрни билан узвий боғлиқлиги исботланган;

парасимпатик тизим фаоллигининг пасайиши темир элементининг миқдорини камайиши, аксинча, симпатик тизимнинг фаоллигининг ошиши кобальт миқдорини камайиши, аммо ортостаз – стресс ҳолатда марганец ва кальций миқдорларини кўпайиши, дастлабки вегетатив мувозанат эса кобальт миқдори билан тўғри кучли муносабатда эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда касалликни касаллик олди ҳолатида мосланувчанлик салоҳияти бузилишлари босқичида юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлиги орқали

вегетатив нерв тизимининг аҳамиятини белгилаб берувчи кардиоинтервалографияни юқори маълумотга эгаллиги асосланган;

соч таркибидаги макро ва микроэлементлари кўрсаткичлари, ҳамда уларнинг жисмоний ривожланиши ва касалликлари билан ўзаро боғлиқлик жисмоний ривожланишдаги оғишлар ва касалликлари ривожланиши даволаш тактикасини, ҳамда касалликни ривожланишини олдини олиш имконини бериши асосланган;

кичик мактаб ёшидаги болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишда ишлаб чиқилган "Ҳисоблаш индекс усуллари бўйича болаларнинг жисмоний ривожланиши ва мослашувини баҳолаш"(№DGU 14365 гувоҳнома 27.01.2022 йил) ЭХМ дастурини ижобий самараси асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи аналитик, функционал, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари баҳолаш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг аҳамиятининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оролбўйи ҳудудида ноқулай экологик шароитда яшовчи кичик мактаб ёшидаги болалар мосланувчан салоҳияти ва жисмоний ривожланиш ҳолатини ишлаб чиқилган электрон иловани жорий этиш орқали баҳоланганлиги, шунингдек сочдаги микро ва макроэлементларни аниқланганлиги, микроэлементларни касалликлар ва антропометрик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги, юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлиги ва мосланувчан салоҳияти орқали вегетатив нерв тизимидаги номуносибликни аниқланганлиги, болаларда касаллик ривожланиши ва уни сурункали ўтишини олдини олишда ёрдам берилганлиги, жисмоний ривожланишдаги оғишларни, касаллик олди ҳолатларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллариини такомиллаштиришга кўмаклашувчи ва соғлиқни сақлаш соҳасига катта ҳисса қўшувчи диагностик мезонлар сифатида таклиф этилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний ривожланишига WHO AnthroPlus (2009) дастури ва ҳисоблаш индекслари орқали чуқур баҳо берилганлиги, биоэлементлар дисбаланси, уларнинг жисмоний ривожланиш ва касалликлар билан ўзаро боғлиқлиги, кардиоинтервалография орқали юрак уриш ритми ўзгарувчанлиги ва мосланувчанлик салоҳиятини баҳолаш индекслари орқали тиббий бирламчи бўғинда болаларда касаллик олди ҳолатини аниқлаш, касаллик ривожланишига, унинг сурункали ўтиши ва болалар ногиронлигини олдини олишга имкон беради, ишлаб чиқилган компьютер иловаси эса болаларни

тиббий кўриқдан ўтказишда ва тиббий маълумотни сақлашда оилавий поликлиника ва мактаб шифокорлари вақтини тежаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш борасида «Оролбўйи ҳудудида кичик мактаб ёшидаги болалар саломатлик ҳолати ва мослашув салоҳиятини баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 17 февралдаги 8н-р/156-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома кичик мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишини ва мослашувчанлик салоҳиятини комплекс баҳолашни оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилояти Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси, шунингдек, Урганч шаҳридаги 3- оилавий поликлиникаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги №08-20751-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари болаларнинг ривожланиши ва соғлигининг ҳолатини самарали баҳолаш, мослашув бузилишларини ва болаларда касаллик олди ҳолатларини эрта аниқлаш, уларда патологиялар ривожланиши, касалликнинг сурункали тус олиши ва ногиронликни олдини олиш, болалар ҳаёт сифатини яхшилаш ва иқтисодий сарф харажатларни 1,25 баробарга қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 та республика, 3 та хорижий, 1 та Scopus журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация **кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва мавзуси тавсифланади, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Оролбўйи худудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари**» мавзусидаги биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Экологик ноқулай худудларда экологик омилларнинг болалар саломатлигига салбий таъсирининг замонавий адабий маълумотлари, болалар организмнинг морфологик ва функционал хусусиятларининг шаклланишини тавсифловчи жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, макро ва микронутриентларнинг етишмаслиги, мосланувчанликни бузилиши болаларнинг соғлигига бевосита таъсири таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Болалар саломатлик ҳолати ва ривожланишини баҳолашда материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби тадқиқот объектлари ва усулларига бағишланган. Тадқиқотлар Жанубий Оролбўйи худудига қирувчи Хоразм вилоятининг Урганч шаҳар, Боғот ва Урганч туманлари оилавий поликлиникаларида 7-10 ёшли 240 нафар кичик мактаб ёшидаги амалий соғлом болалар ва шу ёшдаги Тошкент шаҳридаги 60 нафар болаларда ўтказилди. Текширилган болалар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: 7-8 ёш 106 нафар ва 9-10 ёш 194 нафар. Ўғил болалар 57%, қизлар 43%. Назорат гуруҳини шу ёшдаги Тошкент шаҳридаги 60 нафар болалар ташкил қилди. Тадқиқотлар 2 босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда №025-сонли (ЎзР ССВ 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли буйруғи) тиббий картаси ретро ва проспектив таҳлил қилинди. Иккинчи босқичда соғлом болалар орасида клиник тадқиқотлар ўтказилди, болалар саломатлигида антропометрик ва инструментал (КИГ) тадқиқотлар ва сочни спектрал таҳлил қилиш орқали макро ва микроэлементлари текширилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Pentium – IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel – 2010 дастурий пакети ёрдамида ички статистика функцияларидан фойдаланиб статистик ишлов берилди.

Ўрганилаётган гуруҳлардаги микдорий кўрсаткичлардаги фарқлар параметрик равишда баҳоланди (M ўлчовли ўртача арифметик қийматни ҳисоблаш, ўртача хато (m), стандарт оғиш (σ), Стъюдент t-критерияга кўра ўртача қийматлардаги фарқларнинг аҳамияти).

Диссертациянинг «**Оролбўйи худудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик ҳолати**» номли учинчи бобида, болаларда антропометрик ўлчовлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрида яшовчи ўғил болаларнинг вазн бўйича 95,1% ва қизларнинг 93,4 % ЖССТнинг нормадаги меъёрларига мос келади; бўй кўрсаткичлари-мос равишда 96,7% ва 90,4%; ВБИни баҳолашда гармоник ривожланиш 85,2% ўғил ва 83,4% қизларда қайд этилди. Хоразм вилоятида яшовчи болаларда эса бу кўрсаткич қуйидагича бўлди: вазн ўғил болаларда – 92,1%, қизларда – 93,0%; бўй ўғил болаларда – 84,2%, қизларда – 82,0%; ВБИ ўғил болаларда – 70,7%, қизларда – 70,0%. Кўриниб турибдики, Оролбўйи худудидаги ўғил болалар ва қизларда ҳам бўй ва ВБИ нормадаги

кўрсаткичлардан паст (1-жадвал). ВБИни ўрганганимизда, назорат гуруҳда ООЭЕнинг ўртача даражаси ўғил болаларда 1,6%, қизларда эса аниқланмади; ООЭЕнинг энгил даражаси ўғил болаларда - 6,6%, қизларда - 8,3%, ўғил болалар ва қизларда вазн ортиқчилиги бир хилда 5%ни ташкил қилди, семизлик эса ўғил болаларда - 1,6%, қизларда - 3,3%.

1-жадвал

Кичик мактаб ёшидаги болаларда антропометрик кўрсаткичлар

Ёши	Жинси	Вазн		Бўй		ВБИ	
		Хоразм в.	Тошкент ш.	Хоразм в.	Тошкент ш.	Хоразм в.	Тошкент ш.
7 ёш	ў	20,25±1,06*	24,67±2,82	115,75±2,52*	123,75±2,58	15,61±0,61*	15,90±1,67
	қ	20,46±1,33*	23±1,64	114,71±5,40	122,60±2,02	16,40±1,76*	15,34±1,52
8 ёш	ў	23,93±1,89	25,50±4,42	122,39±1,99*	123,8±11,95	15,87±1,05*	16,23±3,32
	қ	22,42±0,98*	23,50±4,56	121,69±1,18*	123±12,65	15,09±0,53	15,35±3,25
9 ёш	ў	26,21±1,08	28,50±3,27	127,28±2,08*	133,33±2,76	15,99±0,51	17,90±1,73
	қ	25,88±1,81	30,40±3,80	121,07±5,68*	123,80±2,59	16,50±1,03*	16,20±3,12
10 ёш	ў	29,71±1,16*	31,75±5,85	131,02±2,28	138,63±6,99	16,76±0,47	18,43±3,05
	қ	27,68±1,28*	30,77±3,71	128,71±3,79*	131,38±7,19	16,66±0,64*	17,19±2,29

Изоҳ: ў-ўғил болалар, қ-қизлар, ВБИ-вазн-бўй индекс. $p \leq 0,05$ киёсий гуруҳнинг ўртача кўрсаткичи ўртасидаги фарк.

Хоразм вилоятидаги болаларда эса, ООЭЕнинг ўртача даражаси ўғил болаларда – 1,2%, қизларда – 3%, энгил даражаси ўғил болаларда - 6,2% ва қизларда 9%. Семизлик ўғил болаларда 3,7% ва қизларда 5%, ортиқча вазн ўғил болаларда 18,2% ва қизларда 13%.

Болаларда жисмоний ривожланишини баҳолаш учун қўшимча усул сифатида ҳисоблаш индекслардан фойдаланилди, у оддий математик амаллар ёрдамида алоҳида антропометрик кўрсаткичларнинг нисбати бўйича тана тузилишини хусусиятларини белгилашга имкон беради. Мактаб ўқувчиларини жисмоний ривожланишини бўй-вазн (Кетле II, Рорера) ва кўкрак-бўй (Пинье, Бругша) индекслари ёрдамида баҳолаб таҳлил қилинди(2-жадвал).

Кетле II индекси Оролбўйида бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишида қуйидаги ўзгаришларни кўрсатди: Урганч шаҳридаги 7-8 ёш қизлар ўртасида Кетле II индекси кўрсаткичлари нормал, ва қолган болалар ўсишга нисбатан тана вазнининг етишмаслиги шаклида дисгармоник ривожланишга эга бўлди.

Рорер индекси тана вазнининг бўйга нисбатан вариантлари билан аниқланади. Текширилган болаларда Рорер индекси ўзига хос кўринишда бўлди, Урганч шаҳридаги 7-8 ёшли ўғил болаларда 50%- гармоник ривожланишда, 50%– дисгармоник ривожланишни берди, 9-10 ёшда 77%- гармоник ривожланиш, 13%-дисгармоник ривожланишда бўлди. Қиз болаларда 7-8 ёшда 24%и гармоник ривожланиш ва асосий 76%и эса дисгармоник ривожланишда бўлди, 9-10 ёшда гармоник ривожланиш 74%ни ва дисгармоник ривожланиш 26%ни ташкил қилди.

Болаларда ҳисоблаш индекслари бўйича антропометрик кўрсаткичлар

Индекслар	Ёш	Урганч ш.		Боғот ва Урганч туманлари		Тошкент ш.	
		Ў	Қ	Ў	Қ	Ў	Қ
Кетле II	7-8 ёш	16,54±0,78	20,06±1,88	15,05±0,30	14,98±0,28	16,6±0,77	15,6±0,76
	9-10 ёш	18,26±0,78	18,41±1,07	16,03±0,18	15,45±14,5*	17,8±1,45	17,1±0,84
Пинье	7-8 ёш	35,93±1,75	26,78±4,49	36,9±1,49*	35,7±1,18	35,6±2,08	38,2±2,84
	9-10 ёш	38,43±1,95*	37,65±2,78	39±0,65	41,2±38,76*	39,4±3,92	36,6±3,09
Бругша	7-8 ёш	50,30±0,89	55,90±2,41	51,12±1,15	52,32±0,86	50,54±0,87	49,94±1,54
	9-10 ёш	47,57±0,95*	48,85±1,58	49,09±0,38	48,08±45,26	46,9±1,62	49,4±1,7
Рорера	7-8 ёш	13,70±0,68	18,48±2,49	12,8±0,30*	12,5±0,26	13,5±0,64	13±0,86*
	9-10 ёш	14,45±0,88	15,57±1,43	12,4±0,16	12,1±11,36	13±1,12	13,2±0,68

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, Ў-ўғил болалар, Қ-қиз болалар.


Жисмоний ривожланишнинг навбатдаги индекси Пинье индексидир, у тана тузилишини мустахкамлигини тавсифловчи ҳисобланади. Пинье индексига асосан, текширилган барча болаларда тана мустахкамлиги пастлигини (35,93±1,75*) кўрсатган, уларнинг кўрсаткичлари тавсия этилган меъёрлардан (10 – 25 ед.) ошганини кўришимиз мумкин. Қанча Пинье индекси паст бўлса, шунча тана мустахкамлиги юқори бўлади. Бу болаларнинг етарлича жисмоний тайёргарлиги пастлигидан ва уларнинг мушак компонентининг кучсизлигидан дарак беради.

Бругша индекси ёрдамида бўй ва кўкрак қафаси орасидаги пропорционаллик даражаси аниқланди, у кўрсаткичлар орасида ишончли аҳамиятли фарқни кўрсатган. 9-10 ёш бўйича асосий ва назорат гуруҳларининг барчасида ва Тошкент шаҳридаги, яъни назорат гуруҳидаги 7-8 ёшли қиз болаларда тор кўкрак қафаси тури аниқланган.

Кўрикда ва амбулатор карталарни (№025) ўрганилганда, 7-10 ёшли мактаб ўқувчилари орасида функционал оғишларнинг ва сурункали касалликларнинг тарқалганлиги аниқланди (1-расм).

Хоразм вилоятидаги болаларда энг кўп учрайдиган патологиялар: ЎРК-74%, Бронхит-18,53%, Сколиоз-43,27%, Сурункали тонзиллит-33,65%, Сурункали энтероколит-5,04%, Сурункали пиелонефрит-6,49%, Оксалатурия-14,77%, Сийдик кислотаси кристаллари -56,03%, СВД ваготония тури - 52,49%, СВД эйтония тури-29,19%, СВД симпатикотония тури-10,48%.

Тошкент шаҳридаги назорат гуруҳидаги болаларда ҳам касалланиш бўйича юқори кўрсаткичлар: ЎРК-68,08%, Бронхит-11,79%, Сколиоз-25,94%, Сурункали тонзиллит-49,78%, Сурункали пиелонефрит-1,25%, Уратурия-16,61%, СВД ваготония тури – 59,38%, СВД эйтония тури-29,64%, СВД симпатикотония тури-3,35%.



1-расм. Оролбўйи худудидаги болаларда кўп учраган патологиялар

Функционал оғишлар ва сурункали касалликлар тарқалганлигининг тахлили шуни кўрсатдики, текширилган кичик мактаб ёшидаги болаларнинг барча гуруҳларида биринчи ўринни нафас олиш аъзолари касалликлари эгаллади. Буйрак ва сийдик ажратиш системаси касалликлари эса иккинчи ўринни эгаллаганлиги, сочлар биоэлементлари маълумотлари тахлили бўйича натрий ва хлор миқдорининг юқорилиги, экологик вазият, юқори минераллашган сув ва нотўғри овқатланиш олиб келган дейиш мумкин. Функционал бузилишлар сифатида суяк-мушак системаси касаллиги – сколиоз алоҳида ўрин эгаллайди.

Хоразм вилоятидаги кичик мактаб ёшидаги болаларда сочнинг микроэлементлар тахлили бўлимида олинган маълумотларга асосан, ноқулай экологик ҳолат амалий соғлом болаларнинг соч биоэлементларида ўз аксини топган(3-жадвал).

**Хоразм вилоятида яшовчи 7-10 ёшли болаларнинг сочидаги
элементларнинг таркиби(мкг/г).**

Элем	Урганч ш.	Урганч тумани	Боғот тумани	Референт кўрсаткичлар
Ca	910±250▼*	970±240▼*	960±130▼	1000-1500
Cl	4800±1900▲**	5000±2500▲**	3100±1000▲*	1000-2000
Co	0.038±0.0052▼*	0.025±0.0028▼*	0.043±0.012▼	0.05-0.1
Cr	0.19±0.053▼*	0.15±0.037▼*	0.12±0.012▼*	0.35-1.0
Cu	6.8±1.1▼	9.1±1.3▼*	12±3.9▼*	15-20
Fe	33±3.1*	27±2.9	32±4.1*	20-30
I	1.1±0.30	0.48±0.19	1.2±0.39	0.8-1.5
K	510±92▼*	540±160▼	840±350	800-1000
Na	850±320▲*	1000±530▲*	980±310▲	250-800
U	0.36±0.072▲	0.23±0.11	0.43±0.099▲	0.1-0.3
Zn	140±26▼*	130±26▼*	170±38	150-250

Изох: ▼-микроэлементлар камайиши, ▲-микроэлементлар кўпайиши. *-p=0,014 **-p=0,001

Олинган маълумотларга асосан Na ва Cl текширилган болаларнинг барчасида нормадан ошган. Бундай вазият, Г.А.Мамбеткаримов (2016) маълумотларига кўра, юқори минераллашган ичимлик сувини истеъмол қилиш натижасида юзага келади, бундан ташқари, 2 та туманда калий миқдори пасайган. Натрий, калий ва хлорнинг физиологик ролини кўриб чиқишда, ушбу элементлар барча ҳужайра ва тўқималарнинг доимий таркибий элементлари ҳисобланишини қайд этиш керак. Шунингдек, туманларда референт кўрсаткичларга нисбатан кобальт, мис ва хромнинг миқдори пастлиги кузатилган. Мис ва кобальтнинг паст миқдори, кўпинча анемиянинг турли кўринишлари ривожланиши, асаб касалликларининг зўрайиши, чарчаш, асабийлашиш кўринишида намоён бўлади.

Кобальт ва миснинг нормадан пастлиги, ВНС ни дисфункцияси ва кейинчалик болада орган ва тизимлар дезадаптацияси олиб келади (А.В. Скальный, 2004). Микроэлементларни жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолати ўртасида ўзаро боғлиқлик топилди. Кучли боғланиш мис ва сурункали энтероколит ўртасида кузатилди ($r=0,95$), шу билан бирга сурункали тонзиллит ва хром ўртасида ҳам ўзаро боғлиқлик $r=0,53$ ни ташкил қилди. Яна мусбат ўзаро боғлиқлик аниқланди: рух микроэлементи ва бола бўйи билан ($r=0,63$), вазни ($r=0,60$), кўкрак айланаси билан ($r=0,58$), хром ва бола бўйи ўртасидаги боғлиқлик $r=0,53$ га тенг бўлди.

Диссертациянинг “Кичик мактаб ёшидаги болаларда юрак ритмининг вариабеллиги ва мослашув салоҳияти” деб номланган тўртинчи бобида юрак ритмининг вариабеллигини баҳолашда кардиоинтервалографиядан фойдаланилди (КИГ).

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри, Боғот ва Урганч туманларида яшовчи болаларнинг КИГ кўрсаткичларига яшаш жойи, муҳити анча таъсир кўрсатган. Бунда, горизонтал ҳолатдаги кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан $M_o - 1,1$, $A M_o - 1,4$ ва ZI_1 ҳам $1,4$ марта юқори бўлиб, ишончли тафовутни кўрсатмади. Ортостаз, яъни вертикал ҳолатга ўтишда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан $M_o - 1,3$ марта камайиб, $A M_o - 1,2$ ва $ZI_2 - 1,33$ бараварга ортган. Бу, дастлабки вегетатив тонуснинг симпатик тизими устунлиги билан кечаётганини ва стресс ҳолатда (ортостаз) организмда гуморал бошқарув фаолияти сустлашишини кўрсатади.

Зўриқиш индекси (ZI_1) ва вегетатив реактивлик (ВР) бўйича болаларни вегетатив асаб тизимига баҳо бериб, улардаги эйтония, ваготония, симпатикотония ва гиперсимпатикотония ҳолатларини учраш частотасини аниқладик (4-жадвал)

4-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳ болаларида организмни вегетатив таъминланиш жараёнида дастлабки вегетатив тонус ва вегетатив реактивликнинг намоён бўлиш турлари

		Хоразм в.		Тошкент ш.
		%	P	%
Дастлабки вегетатив тонус (ZI_1)	ваготония	5,8%		7,4
	эйтония	45,8%	<0,05	69,9%
	симпатикотония	41,2%	<0,01	14,2%
	гиперсимпатикотония	7,2%		1,3
Вегетатив реактивлик	симпатикотония	46,9%	<0,05	77,4%
	гиперсимпатикотония	29,4%		17,2%
	асимпатикотония	23,7%		5,4%

Натижаларни таҳлил қилиш жараёнида асосий гуруҳ болаларининг дастлабки вегетатив тонусида симпатикотония ҳолати ишончли даражада ($p < 0,01$), ҳамда гиперсимпатикотония $5,5$ баравар кўп, эйтония эса ишончли ($p < 0,05$) кам учрагани аниқланган. Симпатик тизимнинг парасимпатикдан устун келиши бу ноқулай экологик шароитда яшаш учун энг қулай мослашиш жараёнини таъминлаб берган деб тахмин қилишимиз мумкин.

**Хоразм вилоятида яшовчи болаларнинг КИГ ва жисмоний
ривожланиши кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион ўзаро
боғлиқликлар**

	ЗИ ₁			ЗИ ₂		
	Мо r	АМо r	ДВМ r	ΔX r	АМо r	ДВМ r
Бўй(см)				-0,37*		
Кўкрак айл. (см)						0,36*
ДАҚБ		0,40*	0,35*			
Пульс				-0,38*	0,48**	0,38*
МС		-0,55***	-0,54**	0,44*	-0,45**	
Ишчанлик индекси		0,55***	0,51**			
Вазн-бўй индекси (Кетле)	-0,36*	-0,37*				
Пинье индекси	0,40*	0,39*				
Бругша индекси	-0,30*	-0,31*				
Рорера индекси	-0,40*	-0,36*				

*Изоҳ: *-p<0,05 **-p<0,01 ***p<0,001*

Хоразм вилоятида яшовчи болаларнинг КИГ ва жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқликлар 5 – жадвалда кўрсатилган. Бунда корреляцион боғланишлар (r) ичида энг кўп кузатилгани мода амплитудаси АМо билан (33,3%) бўлган. АМо диастолик артериал қон босим кўрсаткичи ($p<0,05$), Пинье индекси ($p<0,05$) ва ишчанлик индекси ($p<0,001$) билан тўғри ўрта, кучли, мослашувчанлик салоҳияти (Баевский бўйича МС, $p<0,001$), Кетле индекси ($p<0,05$), Бругша ($p<0,05$) ва Рорера ($p<0,05$) индекслари билан тескари кучсиз боғланишлар ҳосил қилган. Бундай ҳолат организмнинг жисмоний ривожланганлиги (гармоник, мустаҳкамлиги, кўкрак қафасини бўй билан мутаносиблиги) ва мослашувчанлик салоҳияти симпатик тизим фаоллиги билан узвий боғлиқ эканлигини тушунтиради.

Ўтказилган тадқиқотлар, вегетатив баланс параметрларининг физиологик кенг доирасини ва организмнинг умумий носпецифик реактивлик даражасини бир-бири билан боғлиқлигини аниқлаш имконини берди.

Кичик мактаб ёшидаги болалар функционал ҳолатини ишчанлик ҳолати ва мослашув салоҳияти ҳисоблаш индексларидан фойдаландик (М.Р. Баевский(1995) формуласи бўйича) ва бу организмнинг фаолиятини бошқаришда вегетатив нерв системаси симпатик қисмининг парасимпатик қисмидан устунлигини тасдиқлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда, тор соха мутахассисларининг алоҳида диққатини талаб қиладиган, вегетатив тонуснинг ўзгаришлари функционал ва морфофункционал оғишларга олиб келиши мумкин, шунинг учун болаларда вегетатив нерв системасини баҳолашда яна Кердо индексидан ҳам фойдаландик. Кердо вегетатив индекси($0,33\pm 0,01$) ҳисоб-китоби яққол симпатикотония (ижобий индекс)

мавжудлигини аниқлашга ёрдам берди, у Урганч шаҳридаги 7-8 ёшли барча болаларда ва 9-10 ёшли болаларнинг 27,8% - симпатикотония, асосий гуруҳда эса - 72% болаларда яққол намоён бўлган симпатикотония, эйтония - 1,2% қайд қилинди. Урганч ва Боғот туманларида яшовчи 7-8 ёшли болаларда, вегетатив ҳолат бузилишлари кузатилди, у симпатикотониялар -51%, яққол симпатикотония - 49% болаларда намоён бўлди. Қишлоқда яшовчи 9-10 ёшли болаларда симпатикотония- 57% ва яққол симпатикотония -39,3%, эйтония- 3,7% учради. Ваготония (Кердо манфий индекси) аниқланмади. Тадқиқотларимизда болаларда вегетатив нерв системаси симпатик қисмини фаолияти устунлиги аниқланган ва юрак-қон томир системасини “экономсиз” ишлаш режимида эканлигини исботлади. Бу миокард трофикасини ёмонлашишига ва кейинчалик патологик ҳолатларга (юрак ритмининг бузилиши, артериал гипертензия ва х.к.) олиб келиши мумкин, уларнинг ривожланиши айниқса, рухий-эмоционал ва жисмоний зўриқишларда юқори бўлиб, бу мактаб ўқувчилари учун хосдир. Ҳозирги кунда касалликларнинг ривожланиши мослашув бузилиши нуқтаи-назаридан қараладиган бўлса, яширин нозологиягача кечиши, функционал оғишларни морфологик томонга ўтиши мослашув бузилиши йўли билан шаклланиши мумкин.

Мослашувни урта параметр билан ўрганиш мумкин: системани фаолияти даражаси, унинг физиологик захираси ва бошқарув механизмларининг зўриқиш даражаси. Организмда келиб чиқадиган ўзгаришларни, энг нозик индикатор ҳисобланган, юрак-қон томир системасини ҳолатини ўрганиш йўли билан аниқланади. Бизнинг тадқиқотларимизда мактаб ўқувчиларига донозологик диагностиканинг оддий усули қўлланилди, у мослашув реакцияси тури ва саломатлик даражасини баҳолашга имкон берди. Мактаб ўқувчиларида мослашув салоҳиятини ўрганишда Р.М.Баевский формуласи қўлланилди. Тадқиқот натижалари маълумотлари, Оролбўйи ҳудудидаги 41,5% болаларда зўриқиш мослашуви ҳолатини кўрсатди, улардан: 26,9% болалар 7-8 ёшда ва 14,6% болалар 9-10 ёшда. Биринчи синф ўқувчиларида зўриқиш мослашув ҳолати($424,53 \pm 70,43$) 3-4 синф ўқувчиларига нисбатан юқорилиги кузатилди, бу мактабда максимал стресс даврида мослашув ва систематик ўқиш жараёнига мослашишнинг бошланғич босқичида болалар организмнинг симпатoadренал системасини фаоллашувини исботлади. М.Ю.Галактионова (2008 г.) тадқиқотлари бўйича зўриқиш мослашуви организмнинг мослашув захирасини камайишига, бу, у ёки бу патологияга олиб келади, шунинг учун патологияси бор болаларда мослашув салоҳияти паст деб тахмин қилиш мантқан тўғри келади. Амалиётда бу ҳар доим ҳам тасдиқланмайди, чунки бир қатор “амалий соғлом” болаларда яширин, диагностика қилинмаган патология бўлиши мумкин, бу бизнинг тадқиқотларимизда исботланган. Амалиётда мослашув салоҳиятидан, мактаб ўқувчиларида патологияни ривожланиш хавфини баҳолаш учун прогностик кўрсаткичлари каби фойдаланиш мумкин. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, болалар учун систематик ўқишда вегетатив нерв системаси симпатик қисмини фаоллашуви ва устунлиги хосдир. Болалардаги юқламали ўқув жараёни вегетатив нерв системасида симпатик нерв системасининг

устунлиги билан кечади ва бу эса турли патологик ҳолатларнинг ривожланиш сабабчиси бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, кичик мактаб ёшидаги болалар функционал ҳолатини ишчанлик индекси ва мослашув салоҳияти ҳисоблаш индексларидан фойдаланиб баҳолаш, организм функциясини бошқаришда ВНС симпатик қисмини парасимпатик қисмидан устунлигини исботлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда вегетатив тонус ўзгаришлари, тор соҳа мутахассисларини алоҳида эътибори ва маслаҳатини талаб қиладиган, функционал ва морфологик оғишларга олиб келиши мумкин.

Турли хил ташқи ва ички хавф омиллари таъсирида организмнинг мослашув имкониятлари пасаяди, унда вегетатив нерв системаси дисбаланси содир бўлади, бу аниқ касалликларга олиб келади. Организмнинг мослашув салоҳияти ҳимоя механизми қанчалик юқори бўлса, касаллик келиб чиқиш хавфи шунчалик паст бўлади. Касалликнинг пайдо бўлишининг олдини олиш ва оқибатларини прогнозлаш учун организмнинг мослашув салоҳиятини ҳар томонлама ўрганишни соғлом организм асоси сифатида қаралиши керак.

Шундай қилиб, бошланғич мактаб ёшидаги болаларда жисмоний ривожланиш, функционал оғишлар ва сурункали касалликларнинг тарқалиши таҳлили шуни кўрсатдики, Оролбўйидаги экологик ноқулай омиллар болалар саломатлиги ва касалликларнинг ривожланишида мослашув имкониятлари ва касаллик олди оғишларни шакллантиришга таъсир қиладди.

ХУЛОСА

«Оролбўйи ҳудудида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларни саломатлик ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Кичик мактаб ёшидаги болаларни жисмоний ривожланиши ва саломатлик ҳолати яшаш жойига ҳам боғлиқ экан. Оролбўйи ҳудудидаги болаларда бўй пастлиги (ўғил болаларда – 12,5%, қизларда – 17,0%) ва ВБИда ортиқча вазн (ўғил болаларда – 17,8%, қизларда – 13,0%) кузатилиши билан Тошкент шаҳрида яшовчи болалардан фарқ қилди. Хоразм вилоятидаги болаларда 2-ва 3-саломатлик гуруҳи (76,5%) соғлом болалардан(1-саломатлик гуруҳи-23,5%) устунлик қилди.

2. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳисоблаш индекси бўйича ҳам ўзига хос кўрсаткичлар кузатилди: Рорер индекси бўйича 7-8 ёшда ўғил болаларда дисгармоник ривожланиш 50%, 9-10 ёшда 13%ни, Пинье индекси(35,93±1,75*) кучсиз тана тузилишини тасдиқлади, Бругша индекси кўрсаткичлари 9-10 ёшда тор кўкрак қафаси аниқланди.

3. Кичик мактаб ёшидаги болалар сочларида микроэлементлар спектрал таҳлили шуни кўрсатдики, вилоятнинг барча туманларида Na ва Cl миқдорининг юқорилигини кўрсатган, бу ҳудуддаги сувни юқори минераллашувидан дарак беради. Кобальт, мис ва хром миқдори, Урганч шаҳри ва Урганч туманида рух ва калийнинг миқдори нормадан паст бўлган.

Оролбўйи худудида жисмоний ривожланиш, ЎРК, функционал оғишлар ва микроэлементлар ўзаро боғлиқлик аниқланди. Кучли ижобий корреляция мис-Си микроэлементи ва Сурункали энтероколит($r=0,95$) ўртасида, Сурункали тонзиллит Хром-Сr($r=0,53$) орасида, Рух-Zn элементи бўй узунлиги($r=0,63$), тана вазни($r=0,60$), кўкрак айланаси($r=0,58$) билан, хром-Сr элементи ва бўй узунлиги($r=0,53$) орасидаги ишончли мусбат корреляция аниқланди.

4. Хоразм вилояти болаларида горизонтал ҳолатдаги кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан $M_o - 1,1$, $A M_o - 1,4$ ва ZI_1 ҳам $1,4$ марта юқори бўлиб, ишончли тафовутни кўрсатмади. Ортостаз, яъни вертикал ҳолатга ўтишда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан $M_o - 1,3$ марта камайиб, $A M_o - 1,2$ ва $ZI_2 - 1,33$ бараварга ортган. Бу, дастлабки вегетатив тонуснинг симпатик тизими устунлиги билан кечаётганини ва стресс ҳолатда (ортостаз) организмда гуморал бошқарув фаолияти сустлашишини кўрсатади. Симпатик тизимнинг парасимпатикдан устун келиши бу ноқулай экологик шароитда яшаш учун энг қулай мослашиш жараёнини таъминлаб берган деб тахмин қилишимиз мумкин.

5. Хоразм вилоятида яшовчи болаларнинг КИГ ва жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқликлар (r) ичида энг кўп кузатилгани мода амплитудаси $A M_o$ билан бўлган. $A M_o$ диастолик артериал қон босим кўрсаткичи ($p < 0,05$), Пинье индекси ($p < 0,05$) ва ишчанлик индекси ($p < 0,001$) билан тўғри ўрта, кучли, мослашувчанлик салоҳияти (Баевский бўйича МС, $p < 0,001$), Кетле индекси ($p < 0,05$), Бругша ($p < 0,05$) ва Рорера ($p < 0,05$) индекслари билан тескари кучсиз боғланишлар ҳосил қилган. Бундай ҳолат организмнинг жисмоний ривожланганлиги (гармоник, мустаҳкамлиги, кўкрак қафасини бўй билан мутаносиблиги) ва мослашувчанлик салоҳияти симпатик тизим фаоллиги билан узвий боғлиқ эканлигини тушунтиради.

6. Кердо индекси ва мосланувчанлик салоҳиятини баҳоловчи формула Оролбўйи худудида яшовчи болаларда ВНСнинг симпатик бўлими устунлигини кўрсатди ва бу юрак-қон томир системасини “экономсиз” ишлаш режимида эканлигини исботлади. Болалардаги мосланувчанлик салоҳиятини пастлиги касалликни симптомсиз кечишига ва “амалий соғлом” болаларда яширин аниқланмаган патологиядан дарак беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХУДАЙНАЗАРОВА САЛОМАТ РУЗИБАЕВНА

**ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ И СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ ДЕТЕЙ
МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА В РЕГИОНЕ ПРИАРАЛЬЯ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/Tib1904

Диссертация выполнена в Ташкентском Педиатрическом Медицинском Институте
Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Алиева Нигора Рустамовна, доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Агзамова Шоира Абдусаломовна доктор медицинских наук, профессор Шамсиев Фуркат Мухитдинович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании научного совета по присуждению ученых степеней dsc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском Педиатрическом Медицинском Институте (адрес: 100040, Ташкент, Юнусободский район, ул. Богишамол, 223. Тел/факс: (+99871) 260-36-58, e-mail: info@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского Педиатрического Медицинского Института (зарегистрирована за № _____) (адрес: 100040, Ташкент, Юнусободский район, ул. Богишамол, 223. Тел/факс: (+99871) 260-36-58)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2022 года)

А. В. Алимов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук, профессор

К.Н.Хайтов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук, доцент

Д.И. Ахмедова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, доктор медицинских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы одной из актуальных проблем в мире является увеличение заболеваемости населения, в том числе детского, обусловленной неблагоприятными факторами внешней среды. Воздействие неблагоприятных факторов окружающей среды на здоровье детей и взрослых имеет особое значение для развития социально-экономической сферы любой страны. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...дети в большей степени уязвимы к воздействию химических веществ и не могут защитить свои права на жизнь в безопасной среде. Пятьдесят четыре процента глобального бремени болезней (в единицах DALY), относимых на счет воздействия факторов окружающей среды, ложится на детей в возрасте до 15 лет...»³. Рост заболеваемости детей, недостаточная изученность диагностики, патогенетических механизмов, а также прогностических факторов риска развития заболеваний в экологически неблагоприятных условиях, обуславливает необходимость проведения научных исследований по данной проблеме.

Во всем мире большое внимание уделяется проведению научных исследований, направленных на совершенствование профилактических мероприятий, а также диагностики и лечения заболеваний, особенно у детей, проживающих в экологически неблагоприятных местностях. Функциональное состояние детей отражает адаптационные возможности организма, которые постепенно снижаются при переходе от здоровья к болезни. Особый интерес представляют критические периоды развития детского организма, чувствительные к внешним воздействиям. Младший школьный возраст очень важен и характеризуется физиологическим, психологическим и социальным напряжением, повышением напряженности регуляторных механизмов и снижением адаптационных возможностей детей. Особое значение имеют своевременное изучение основных показателей здоровья и физического развития детей, оценка адаптационных процессов и уровня стресса, проведение мероприятий, направленных на оздоровление, совершенствование критериев ранней диагностики заболевания в условиях экологического неблагополучия.

В нашей стране принимается ряд мер по развитию системы здравоохранения, приведению медицинской системы в соответствие с мировыми стандартами, профилактике различных соматических заболеваний у детей, таких функций, как «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в стране, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажных служб и

³ WHO/EURO:2018-3004-42762-59658

диспансеров, поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний...»⁴.

Выполнение этих задач позволит снизить заболеваемость социально значимыми заболеваниями, инвалидностью и смертностью за счет поднятия на новый уровень современного медицинского обслуживания в оценке состояния здоровья и особенностей развития детей младшего школьного возраста, проживающих в регионе Приаралья.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-6110 от 12 ноября 2020 г. «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», от 5 мая 2021 г. № УП-6221 «О последовательном продолжении осуществляемых в системе здравоохранения реформ и создании необходимых условий для повышения потенциала медицинских работников»; Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-5124 от 25 мая 2021 г. «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и № ПП-215 от 25 апреля 2022 г. «О дополнительных мерах по приближению первичной медико-санитарной помощи к населению и повышению эффективности оказания медицинских услуг», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

